

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>I-9</u> Sana: " <u>10</u> " <u>февраль</u> <u>2023</u> yil Imzo: <u>Мурзеков</u>
------------	--

“Smart bank” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2023 йил “6” феврол даги
06-02-2023- сонли йиғилиш баённомасига
14-илова

**“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг ахборот сиёсати тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик хужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом очик ахборотларнинг ошкор этиш мақсадлари ва тамойиллари, “Smart bank” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб юритилади)нинг расмий веб-сайти жумладан, бошқа ахборот каналлари орқали ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган маълумотлар рўйхати ва уларни ошкор этиш тартиби, муддатлари, шакллари, шунингдек, банк ходимларининг очик маълумотларнинг ошкор этилишидаги мажбуриятлари, Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан манфаатдор шахслар, жумладан, акциядорлар, инвесторлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида маълумотлар алмашинув тартиби ва ахборот сиёсатига риоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб беради.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

манфаатдор шахслар - Банк фаолиятидан манфаат кўрувчи шахслар, жумладан, Ягона акциядор, Банкнинг салоҳиятли инвесторлари, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари;

ахборот - тақдим этиш шаклидан қатъий назар бўлган маълумот (хабар, ахборот);


ошкор қилиниши мажбур бўлган ахборот - амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор этиладиган маълумотлар;

махфий ахборот - Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган, давлат сирларига мансуб ахборот мавжуд бўлмаган хужжатлаштирилган ахборот;

акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этувчи ахборотлар –Банк бошқарув органларидағи ўзгаришлар, банк фаолиятининг молиявий ва даромадлик кўрсаткичларининг ўзгариши, дивидендлар ҳажми ва шу кабилар.

2-боб. Ахборот сиёсатининг асосий мақсади ва вазифалари

3. Ахборот сиёсатининг асосий мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларга бўлган талабини кондириш орқали Банк



фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашдан иборатdir.

4. Ахборот сиёсатининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

Банкнинг ахборот сиёсатининг асосий тамойилларини белгилаш;

барча манбаатдор шахсларга Банк тўғрисида ахборот тақдим этиш қоида ва тартибларини белгилаш;

Банк ахборотларининг хавфсизлигини таъминлаш;

Банк ахборотларининг ошкоралиги ва шаффоғлигини ошириш ҳисобига Банкнинг инвестицион жалб этиш қобилияти ўсишини таъминлайдиган кўшимча ахборотларнинг ошкоралик тамойилларини белгилаш.

3-боб. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари қуидагилардан ташкил топади:

доимийлик - Банк фаолиятига оид ахборотларни манбаатдор шахсларга доимий тақдим этиб бориш;

тезкорлик - манбаатдор шахсларни Банкнинг молиявий фаолиятига таъсир этувчи муҳим воқеалар ва фактлари билан қисқа муддатларда хабардор қилиш;

қулайлилик - манбаатдор шахларнинг эркин фойдаланиши учун Банк фаолиятига оид ахборотларни ошкор этилишини турли хил йўллар орқали амалга ошириш;

тўлиқлилик - манбаатдор шахларнинг Банк тўғрисида тўлиқ тассавурга эга бўлишини таъминлаш учун Банкнинг амалдаги фаолияти ва у учун салбий бўлган маълумотларни ҳам инкор этмаган ҳолда тақдим этиш;

тенг хуқуқлилик - Банк фаолиятига оид ахборотларни олишда барча манбаатдор шахслар учун хуқуқларнинг тенглиги;

тенглик - Банкнинг тижорат манбаатларини таъминлаган ҳолда Банк фаолиятининг очиқлииги ва шаффоғлиги ўртасидаги тенглигини таъминлаш. Бунда қуидагилар таъминланиши шарт:

-махфий ахборотларнинг ҳимояланганлиги;

-инсайдерларга доир ахборотларнинг тақдим этилишида амалдаги қонунчилик талабларига амал қилиш.

ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги - тижорат сири ёки бошқа махфий ҳисобланган ахборотларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

6. Қимматли қоғозлар эмитенти сифатида Банк томонидан ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган ахборотлар рўйхати ва тақдим этиш муддатлари амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади.

7. Банк банк сирига доир маълумотларнинг хавфсизлигини амалдаги қонунчиликка асосан таъминлайди.

SMART BANK	<p style="text-align: center;">Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>I-9</u> Sana: <u>do</u> <u>февраль</u> <u>2023</u>il Imzo: <u>Муродов</u></p>
------------	---

8. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг тўлиқлилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик Банк Бошқаруви зиммасига юклатилади.

9. Ушбу Низомга асосан ошкор қилишга мўлжалланган ахборотлар ўзбек тилида ошкор қилинади, зарур ҳолларда бошқа тилларда ҳам ошкор қилиниши мумкин.

4-боб. Ахборотлаштириш ҳамда ахборотни ошкор қилиш шакллари ва йўллари, шунингдек ахборотларни ошкор қилишда қўлланиладиган воситалар

10. Банк фаолияти тўғрисида тарқатилаётган ахборот уч гурухга бўлинади:

- а)мажбурий ошкор этиладиган ахборотлар;
- б)қўшимча ошкор этиладиган ахборотлар;
- в)эркин ошкор этиладиган ахборотлар.

11. Банк томонидан ахборотларнинг тарқатилишида турли хил йўллардан фойдаланилади. Ахборот тарқатиш каналлари Банк томонидан ошкор этилаётган ахборотларни манфаатдор шахслар учун эркин ва қулай бўлишини таъминлайди.

12. Мазкур Низом талабларига мувофиқ Банк оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қуйидагича муносабатда бўлади:

- Банк фаолиятидаги ҳодисалар бўйича пресс-релизлар тарқатиш;
- Банк раҳбарияти билан оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида пресс-конференциялар ва учрашувларни ўтказиш;
- оммавий ахборот воситалари вакилларининг ахборот сўровларига тезкор ва аниқ жавоб бериш;
- оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этган ҳолда конференция, семинар ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- Банк веб-сайтининг тегишли бўлимларини доимий равишда янгилаб ва тўлдириб бориш.

13. Оммавий ахборот воситаларида режалаштирилган чиқишилар, ундаги ахборот таркиби, мазкур Низомга талабларига асосан, шунингдек, Банк Бошқаруви томонидан белгиланади.

14. Ушбу Низомда кўрсатилган ахборотларни тарқатишда Банк қуйидаги коммуникацион воситаларини қўллаши мумкин:

а)аудиовизуал ташувчилар - видеороликлар, корпоратив видоэфильмлар, теле ва радио дастурларда интервью бериш ва иштирок этиш, Банкда ва Банқдан ташқарида бўладиган мажлислар, конференциялар, маросимларда намойиш этиладиган слайдлар ва бошқа воситалар;

б)ички ва ташқи мақсадлар учун тайёрланган ёзма ҳужжатлар - пресс-релизлар, нашр учун хабарлар, Банк брошурулари, ходимлар учун

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-9 Sana: "06" oqebriy 2023 yil Imzo: </p>
---	--

информацион материаллар ва журналлар, оммавий ахборот воситалари учун мақолалар;

в)оғзаки хабарлар - изоҳлар, интервьюлар, пресс-конференциялар, ички тақдимотлар ёки докладлар, барча йўналишлардаги оммавий тадбирларда чиқишилар;

г)электрон материаллар - электрон почта, “интернет” тармоғида ресурслар, Банкнинг интернет портали, ички корпоратив тармоқ ресурслари.

5-боб. Мажбурий, қўшимча ва эркин ошкор этиладиган ахборотлар рўйхати, тақдим этиш тартиби ва муддатлари

15. Банк томонидан ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган ахборотлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширади.

16. Банк томонидан ахборотларнинг ошкор этилиши ва тарқатилиши қўйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (қимматли қоғозлар бозори назорати бўйича масъул давлат органи расмий веб-сайти);

фонд биржасининг расмий веб-сайти;

Банкнинг корпоратив веб-сайти;

оммавий ахборот воситалари;

интернет порталларида жойлаштириш;

босма нашрларда чоп этиш;

манфаатдор шахслар билан ахборот семинарлари ва бошқа турдаги учрашувларни ташкил этиш.

17. Қимматли қоғозлар бозорини назорати бўйича масъул давлат органи ёки фонд биржаси расмий веб-сайтида мажбурий ошкор этиладиган ахборотлар:

- қимматли қоғозлар эмиссия проспекти (қимматли қоғозлар барчага сотилиши кўзда тутилган ҳолатда):

- Банкнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан, аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисбот;

- Банкнинг биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ойлик ҳисоботлари;


- Банк фаолиятига оид муҳим фактлар.

Банк юқорида қайд этилган ахборотларининг ошкор этилиш тартиби, муддати ва тақдим этиш шаклларини амалдаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади.

18. Банк қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка листингида қўйилганда ахборотлар амалдаги қонунчиликка асосан ошкор этилади.

19. Банк томонидан оммавий ахборот воситалари орқали ошкор этилиши мажбурий ҳисобланган ахборотлар:

- Ягона акциядор йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар;



- Банкнинг манзили (почта адреси) ва электрон почта адресининг ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот;

- акция ёки эмиссион қимматли қоғоз сотиб олиш ҳуқуқига эга Банк акциядорларига таклифлар;

- Банк томонидан акцияларнинг қайта сотиб олиниши тўғрисидаги маълумот;

- Банкни тугатиш тўғрисидаги маълумот, шунингдек кредиторларга бўлган талабларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари.

20. Банкнинг расмий веб-сайтида қўшимча ошкор этиладиган ахборотлар:

- корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятини қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборот;

- Банк Бошқаруви тўғрисида маълумот;

- Банкнинг бошқарув органи ва Корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаш натижалари;

- Банк акцияларининг 20 фоизидан ортиғига эгалик қилувчи акциядорлар тўғрисида маълумот;

- соф фойданинг тақсимланиш асослари, дивиденdlар хажми ва дивиденд сиёсатига тўғри келиши, шунингдек, зарур ҳолларда соф фойданинг бир қисмини Банкни ривожлантиришга йўналтирилганлиги бўйича тушунтириш ва иқтисодий асослар;

- акциялар котировкаси тўғрисида ахборот, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, эксперtlар ва маслаҳатчиларнинг прогноз ва шарҳлари;

- хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) бўйича қарор қабул қилиш тартиби ҳамда ҳақиқатда хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатилганлиги (олинганлиги) тўғрисида ахборот.

21. Банк мажбурий ошкоралик билан бир қаторда ўз фаолияти тўғрисида Банк обрўйига ижобий ҳамда унинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг нархига объектив таъсир кўрсатадиган ахборотларни эркин ошкор қилиши мумкин. Банк томонидан эркин ошкор этиладиган ахборотлар:


- Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари тўғрисидаги Банк раҳбариятининг таҳлил ва изоҳлари;

- Банк фаолиятининг устувор йўналишларидағи ўзгаришлар;

- фаолият натижалари тўғрисидаги чораклик қўшимча ҳисоботлар;

- Банк тўғрисида белгиланган тартибда ошкор этилган ахборотларга ваколатли шахсларнинг изоҳлари;

- Банк вакилларининг молиявий фаолият билан боғлиқ тақдимотлари ва чиқишли;



- Банк номининг ўзгариши;
 - Банк устав капиталининг ошиши (камайиши) тўғрисидаги қарор;
 - аудитор, регистратор ёки Банк депозитарийсининг ўзгариши;
 - Банк акциядорлари сони ҳақида маълумот;
 - овоз бериш хукуқига эга бўлган, шунингдек сотувда бўлган акциялар сони тўғрисида маълумот;
 - Банк акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ва Банк акциялари бўйича овоз бериш хукуқини берадиган оддий акцияларнинг беш ёки ундан ортигини ташкил қиласидаги акциядорлари тўғрисида маълумот;
 - Банк томонидан ошкор этилиши маъқул деб ҳисобланган бошқа маълумотлар.
22. Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботлари амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ чоп этилади.
23. Банк расмий веб-сайтини инглиз, рус ва бошқа тилларда шакллантириш билан биргаликда унга манфаатдор шахслар учун қулай бўлиши учун барча ахборотларни давлат тилида ёки бошқа тиллардаги таржимаси билан жойлаштирилишини таъминлайди.

6-боб. Ахборот ошкор қилишнинг бошқа кўринишлари

24. Давлат органларидан ташқари бошқа ташкилотлар талабномалари бўйича ахборот бериш амалдаги қонунчилик талабларига асосан амалга оширилади.
25. Ташқи аудиторлик компаниялари, маслаҳат ташкилотлари ва рейтинг тақдим этувчи бошқа ташкилотлар билан бўлган ўзаро муносабатда ахборот тақдим этиш улар билан тузилган шартнома ва амалдаги қонунчилик талабларига асосан амалга оширилади.
26. Инвесторлар ва аналитиклар билан ўзаро ҳамкорликда Банк ахборот ошкоралигини кучайтиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга ошириши мумкин, жумладан:
- Банк фаолиятига доир пресс-релизлар тарқатиши;
 - инвесторлар ва аналитиклар учун учрашувлар ва тақдимотлар ташкил этиш, шунингдек Банкнинг масъул шахслари сафари вақтида;
 - конференц-қўнғироқлар;
 - оммавий ахборот воситаларида нашрлар, Банк веб-сайтидаги янгиликлар.

7-боб. Банк томонидан ошкор этилган ахборотларга изоҳлар бериш

27. Аввал ошкор этилган ахборотларга изоҳ бериш Банкнинг масъул шахслари томонидан амалга оширилади.

 SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>1-9</u> Sana: <u>20</u> fevral <u>2023</u> yil Imzo: <u>Муродов</u>
--	---

28. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаш йиғилишларида кўрилган масалалар бўйича изоҳ беришлари мумкин. Банк фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳолатларда эса Банк томонидан ахборот ошкор этилгандан сўнг фақатгина ўз номларидан изоҳ берадилар.

29. Банк Бошқаруви раиси ўз номидан ва Банк Бошқаруви номидан изоҳлар бериши мумкин.

8-боб. Банкнинг расмий веб-сайтида ахборотларни ошкор этиш

30. Банкнинг расмий веб-сайти информацион-телеқоммуникацион “Интернет” тармоғида Банк ахборотини ошкор қилишнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Банк веб-сайтида Банк фаолияти тўғрисидаги объектив ахборотлар жойлаштирилади.

31. Банк тўғрисида ошкор қилинаётган ахборотлар информацион-телеқоммуникацион “Интернет” тармоғида ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади.

32. Банк веб-сайтида мажбурий жойлаштирилиши керак бўлган ахборотлар:

- Банк фаолиятининг предмети ва мақсадлари;
- Банк устави шу жумладан, унга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда тасдиқланган бизнес-режалари;
- Банкни ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатли стратегияси тўғрисидаги ахборот;
- Банкнинг ташкилий тузилмаси, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, шуъба хўжалик жамиятларининг номи, уларнинг телефонлари рақамлари, манзили (почта ва электрон манзиллари), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- Банк раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома-ахборот;
- бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга кўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
- Банк ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган коллегиал ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Банкнинг аффилланган шахслари рўйхати;
- корпоратив бошқарув масалалари бўйича Банкнинг ички хужжатлари;
- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган Банк фаолиятидаги муҳим фактлар;
- Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар;
- Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш юзасидан кун тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- қимматли қоғозлар эмиссияси проспектлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши



Ro'yxatdan o'tkazildi
Ro'yxat raqami: I-9
Sana: "10" fevral 2023 yil
Imzo: [Signature]

керак бўлган Банкнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари;

- Банк томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра сухбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, пресс-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот;

- Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар;

- товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Банк ва унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

- Банкнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, Банк фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар;

- охирги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шу жумладан, қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядор томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар;

- йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот;

- Банк томонидан акциялар сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар;

- корпоратив веб-сайтдаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда Банкнинг корпоратив веб-сайтига мажбурий ҳаволалар кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

- Банкнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштиришни Банк зарур деб ҳисоблайдиган бошқа маълумотлар.

33. Банк веб-сайти мазмунига қўйиладиган талаблар:

- жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши ва Банк фаолиятини холисона ёритиши;

- Банкнинг корпоратив веб-сайтида банк сирига ва хизматда фойдаланиш учун тегишли бўлган ахборот, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ эълон қилиш ва тарқатиш тақиқланган бошқа ахборот бўлмаслиги керак.

9-боб. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар ва ходимларнинг мафаатдор шахслар билан ахборот алмашинув тартиби

34. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар ва ходимларнинг мафаатдор шахслар билан ахборот алмашинувини амалга

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-9 Sana: "do" fevrib 2023 yil Imzo: _____
------------	---

ошириш бўйича масъул ходим тайинланади.

35. Манфаатдор шахслар томонидан ахборот тақдим этиш бўйича ёзма (электрон) мурожаат тақдим этилганда, масъул ходим мазкур Низомга ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ барча керакли ахборотларни электрон кўринишда тақдим этади.

36. Акциядор талабига қўра акциядор ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сири бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотлар имкон қадар қисқа муддат ичидан тақдим этилади.

37. Акциядор Банк ва Банк фаолияти билан боғлиқ ҳамда хизмат ва тижорат сири ҳисобланган маълумотларни, қонунчиликка мувофиқ сир сақланадиган бошқа ахборотларни ошкор этиш ҳуқуқига эга эмас.

10-боб. Ахборот сиёсатига амал қилиш бўйича назоратни таъминлаш чора-тадбирлари

38. Ушбу Низомда кўрсатилган Ахборотни ошкор қилишга ва оммавий ахборот воситаларида Банк ҳақида ахборотни ошкор қилишга жавобгар шахслар Банк бошқарув органлари томонидан ваколат берилган шахслар ҳисобланади.

Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринbosарларидан ташқари бошқа шахслар Банк номидан чиқиш қилиш ҳуқуқига эга эмас.

39. Ахборотларнинг тўлиқлик, ишончлилик ва ўз вақтида ошкор этилиши бўйича жавобгарлик Банк Бошқаруви раиси зиммасига юклатилади.

40. Банк Бошқаруви ушбу Низом талабларининг ижроси бўйича ҳар чоракда Банк Кузатув кенгашига ҳисбот тақдим этади.

11-боб. Якуний қоидалар

41. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Низомнинг асосий йўналишларига тўлиқ риоя қилинмаган тақдирда уларга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга асосан интизомий чоралар ўрнатилган тартибда қўлланилади.

42. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

43. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчик хужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.

SMART BANK	Ro'yhatdan o'tkazildi Ro'yhat raqami: J-9 Sana: "10" fevrib 2023 yil Imzo:
10	

ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хуқуқий ҳужжатни хуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг ахборот Сиёсати.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари ҳамда банкнинг Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкда очик ахборотларнинг ошкор этиш мақсадлари ва тамоиллари, банкнинг расмий веб-сайти жумладан, бошқа ахборот каналлари орқали ошкор этилиши мажбурий хисобланган маълумотлар рўйхати ва уларни ошкор этиш тартиби, муддатлари, шакллари, шунингдек, банк ходимларининг очик маълумотларнинг ошкор этилишидаги мажбуриятлари, маълумотлар алмашинув тартиби ва ахборот сиёсатига риоя қилинишини таъминлаш каби муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

Хуқуқшунос



М.Гуломжонова